

## ТАЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОНЦЕНТРАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

**Х. М. Иминова**

Андижон давлат Педагогика институти “Бошланғич таълим методикаси”  
кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабларимизда фанларни ўқитишнинг янгича ёнжашуви бўлган концентранган таълим мазмуни ва афзалликлари келтирилган. Дарсларда концентранган таълим технологияларини қўллаш методлари бирилган.

**Калит сўзлар:** таълим, технология, концентранган таълим, рақамли технологиялар, умумтаълим мактаблар, ўқитиш методикалари, халқаро баҳолаш дастурлари.

### THE EFFECTIVENESS OF CONCENTRATED TRAINING IN INCREASING LEARNING EFFECTIVENESS

#### ABSTRACT

The article presents the content and advantages of concentrated education, a new approach to teaching science in our schools. Methods of using concentrated educational technologies are combined in lessons.

**Keywords:** education, technology, concentrated education, digital technologies, comprehensive schools, teaching methods, international assessment programs.

#### КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жамиятимизда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўла олди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, ёшларимизни жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси президентининг 26.09.2017 йилдаги ПҚ-3289-сонли “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва

уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарорига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон 28.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармонига мувофиқ таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябрдаги ПФ 6079 сонли ““Рақамли Ўзбекистон 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида”ги фармонида рақамли дунёда рақамлаштириш, рақамли технологияларни ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиёт соҳасида янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва рақамли таълимни ривожлантириш дастурлари амалга оширилмоқда. [3] Ўқувчиларнинг рақамли саводхонлигини ривожлантиришда ўқитувчилар таълим беришда рақамли технологиялардан мақсадли, самарали фойдаланиши, индивидуал ёндашишни заруратини ошириши ва рақамли билим, кўникмаларни амалга ошириш муҳим омил ҳисобланади. [4]

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Замонавий фан ва техника тараққиёти умумтаълим мактабларида фанларни ўқитишга янгича ёндашувни, ўқувчиларнинг бу фанлардан ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмаларининг мазмуни ва даражасига юқори талаблар қўймоқда. Бугунги кунга келиб, ўқув ахборотлари ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки уларни “ўқиш ва ўрганишга ўргатиш”ни талаб қилмоқда. Жадаллик билан ўзгариб, ривожланиб бораётган ахборотлашган жамиятда ўқиб-ўрганиш ва фаолият кўрсатиш ўқувчилардан нафақат шунчаки тайёр билимларни ўзлаштиришни, балки турли хил мазмундаги маълумотларни мустақил излаб топиш ва қайта ишлашни ҳамда уларни ҳаётга тadbиқ этишда самарали фойдаланишни ўрганишларига олиб келмоқда.

Юртимизда таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари бўлган ёш авлодни камол топтиришнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

Яқинда, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор ўтказилди. Видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиб, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда фанлар ўқув юктамаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илғорлардан бири.

– Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларига жорий қилиш муҳимлигини таъкидладилар. Халқ таълими вазирлигига ушбу тажриба асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиб, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифасини юкладилар.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон мактаб останасидан бошланади” деб айтган сўзлари бугунги кунда мактаб таълимига қаратилаётган ислохатларга берилган юқори баҳодир.

Сабаби тарихдан маълум, ривожланган давлатларнинг барчаси таълимга, илм-фанга эътибори юқорилиги туфайли юксак маънавиятга, кучли ижтимоий ва иқтисодий ўсишга эришганини кўришимиз мумкин.

1995 йилдан бошлаб сингапурлик ўқувчилар математикадан ўтказилаётган турли халқаро олимпиадалар ғолиби бўлиб келишмоқда. Бунинг сири нимада? Кўпгина давлатлар Сингапур математикасини бутунлигича жорий этишга ёки ундан нусха олишга уриниб келишмоқда. АҚШ, Япония, Исроил, Россия ва Корея давлатларида ҳам бу ёндашувни асос қилиб олиб, Сингапур математикаси услубиётини математика фанини ўқитишда жорий этиб келишмоқда. Бу эса турли ривожланган давлатлар хусусан Сингапур, Финляндия каби мамлакатларнинг ўқитиш тизими ўрганилиб, мамлакатимиз таълим тизимига татбиқ этилишига сабаб бўлмоқда. Лекин бу ўқитиш тизимлари эса мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимида турли тафовутларга дуч келмоқда. Мамлакатимиз таълим тизими ривожланишининг ҳозирги даврида жаҳон таълим йўналишлари бўйича таълимнинг янги устувор йўналишлари

белгиланди. Мухтарам Президентимиз томонидан “Узлуксиз таълимни “ ривожлантириш учун бир қанча чора тадбирлар кўриломоқда , янгиликлар киритиломоқда ва қарорлар қабул қилиномоқда. Буларнинг исботи сифатида халқаро баҳолаш тадқиқотларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. **“Ўзбекистон республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармонида** “PISA” (The Programme for International Student Assessment) ўқувчиларни баҳолаш халқаро дастури рейтингда Ўзбекистоннинг 2021 йилда биринчи 70 таликка, 2025 йилда 60 таликка ва 2030 йилга келиб эса, биринчи 30 та илғор мамлакатлар қаторига киритиш кўзда тутилган. [5] Бугун таълим тизимида олиб борилаётган кенг ислохотлар, халқаро тадқиқотларда республикамиз ўқувчи ёшларини иштирок этишини таъминлаш ва халқаро тадқиқотларга тайёрлаш ишлари олиб борилаётган мақсадли ҳаракатларни натижасиз қолмаслигини таъминлаш мақсадида, жуда илғор фикрлаётган ёш авлодга замон талаблари асосида билим бериш учун дарсларни уларнинг талабига мос, юқори савияда яратилишига, машғулотларни амалга оширадиган ўқитувчи-педагогларнинг малакаси ва маҳорати юксак бўлишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқаро баҳолаш тадқиқотларидан бири ТИМСС (Трендс ин Интернационал матҳематисс анд ссинсэ студй) 4-ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш дастури бўлиб, бу тадқиқот тўрт йилда бир марта ўтказилади. ТИМСС дастури ўзини биринчи тадқиқотини 1995 –йилда бошлаган бўлиб, 2019-йилга қадар ҳар тўрт йилда 1999, 2003, 2007 2011, 2015 ва 2019 йилларда ташкил этилиб келиномоқда. [2]

Сўнги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича фармон ва қарорлар қабул қилинди ва бунга асосан деярли барча дастур ҳамда дарсликлар асосига ўзгартиришлар киритилди. Бунга сабаб бўлган энг катта омил шунда эдики, бизнинг миллий ўқув дастуримиз халқаро талабларга ҳамда чет элнинг кўзга кўринган таълим жараёнлари натижаларига тенглаша олмаслиги эди. [6]

Бу эса ўқув машғулотларини ташкил этишда янги педагогик технологияларни тадбиқ қилишни, халқаро тадқиқотларда иштирок этишда юқори натижаларни кўрсатиш учун ривожланган давлатлар таълим тизимига мос равишда олиб боришни тақозо этади. Ўқувчиларнинг билими ва берилаётган маълумотларни мураккаблик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак улар учун бугунги кунда таълим



олишда вақт меъёрлари халал беришини кузатишимиз мумкин.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунда академик интизомнинг ассимиляцияси қуйидагичадир: ҳар куни 45 дақиқалик дарсларда учтадан олтигача турли фанлар ўрганилади. Ўрганилишининг бундай ташкил этилиши билан мавзунини ўзлаштириш узок вақтга чўзилади. Бу доимий ассимиляцияга хисса қўшмаслиги аниқ, чунки билим тезда унутилади. Россия таълим академиясининг муҳбир аъзоси Г.И.Ибрагимов ўқув материални ўрганиш усулини шахс томонидан ахборотни идрок этиш ва эсда сақлаш физиологияси ва психологияси қонунларига зид равишда, вақт бўйича юқори даражада тарқоқ бўлган фанларни ўрганиш самарасиз эканлиги ҳақидаги фикрларини илгари суради. Ўқувчилар кун давомида бир нечта турли йўналишдаги мавзуларни ўрганишади. Тушдан кейин эртанги кунга, яни яна 4 ёки 5 та фандан дарсга тайёрланишлари керак бўлади. Кун давомида ўқувчининг камида ўн хил қизиқишлари, баъзан бири-бирига боғлиқ бўлмаган ўн та хиссий таъсуротлари бор. Шундай қилиб, деярли барча йиллар давомида кундан –кунга фанларнинг доимий ўзгариб туриши ўқувчиларга фанга тўлиқ мослашиб ўрганиб кетишларига имкон бермайди. Бир мавзудан иккинчи бир бошқа мавзуга ўтиш учун кўп энергия сарфлашига тўғри келади. Кун давомида ўрганган ҳар бир дарс ўзидан аввалгисини ўчириб ташлайди ва унинг аҳамиятини пасайтиради. Ҳар бир дарс ўқувчи учун янги доминант бўлади. Доминантларнинг бундай тез-тез алмашиши ўқувчиларнинг беқарорлиги, бир нарсага эътибор қарата олмаслиги, маълум бир жадвал асосида тартиб билан дарсларни ўрганишга, чарчоқ ва асабийлашишга, дарсларни самарадорлиги пасайишига асосий сабаб бўлиб хизмат қилади.

Таълим тизими бугунги кунда янги таълим мақсадларини ишлаб чиқиб, глобаллашув таъсирида бўлган янгиликларни бошқариш ва таълим тизимини қайта қуриш, ёш авлодни глобаллашган янги дунёда яшаш, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлик руҳи билан ҳаракат қилишини талаб қилмоқда. “Ҳозирги вақтда таълимни рағбатлантиришда муваффақиятли қўлланиладиган усуллардан бири, шубҳасиз, талабаларга бозор иқтисодиёти эҳтиёжларини қондириш учун тўғри ва адекват ечимларни таклиф қилиш имконини берадиган амалий тадқиқотлардир”. Бугунги кунда нафақат билимларни эгаллаш, балки уни яратиш, жамият ва дунё ўзгаришида иштирок этиш аҳамиятли бўлиб бормоқда. [1]

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ҳозирги вақтда ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари ривожлантиришнинг интеграл тенденциялари туфайли концентрланган таълим технологиялари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Концентрланган таълим технологияси педагогик амалиётда ҳаммага маълум бўлган “мавзуга сингдириш” усулига асосланади.

Концентрланган таълим технологияси - бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг махсус технологияси бўлиб, унда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг диққатини дарсларни блоklarга бирлаштириш, ўқув куни давомида параллел равишда ўрганиладиган фанлар сонини камайтириш орқали мавзунини чуқурроқ ўрганишга қаратилган ҳафта. Концентрланган таълим технологияси - бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг шундай шакли бўлиб, унда маълум вақт оралиғида фанлараро алоқадор бир фан ёки бир нечта фанлар ўрганилади.

Концентрланган таълим билимлар тизимини мустаҳкамлаш, зарур кўникмалар ва улардан кундалик амалиётда фойдаланишнинг ҳаракатчанлигини эгаллаш орқали ўқув жараёнини сезиларли даражада фаоллаштириши ва таълим сифатини ошириши мумкин. У таълим жараёнини инсон идрокиннинг табиий психологик хусусиятларига яқинлаштиради. Концентрланган таълим технологияси ўқув материални катта билим қобилятига эга бўлган мустаҳкамланган блоklarга тузиб, бир вақтнинг ўзида ўрганиладиган фанларни маълум вақт давомида сақлаб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эътиборини муайян фанни ўрганишга қаратади.

Концентрланган таълимнинг мақсади – таълим жараёнининг оптимал ташкилий тузилмасини яратиш, таълимни таълимнинг табиий психологик қонуниятлари билан яқинлаштириш орқали ўқувчиларнинг билим олиш сифатини оширишдан иборат.

Концентрланган таълим технологиясининг асосий вазибалари:

- 1) ахборот - танланган ва тузилган ўқув материални ўқувчиларга ўтказиш;
- 2) дунёқараш - ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантириш;
- 3) услубий - ўқувчилар фаолиятини бошқариш.

Концентрланган таълим технологияси куйидаги афзалликларга эга:

1. Таълим жараёнини қуриш мазмундаги тарқоқликни бартараф этишни таъминлайди ва таълим элементларини бир бутунликка боғлайди.

2. Ўрганилаётган материалнинг яхлит тугалланган блоklarини ўқувчилар томонидан идрок этиш, чуқур ва доимий ўзлаштиришни таъминлайди.

3. Ўрганиш мотивациясига фойдали таъсир кўрсатади.

4. Қулай психологик иқлим шакллантирилади (ўқув жараёнида тенгдош ёшларнинг узок муддатли ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги учун).

Хулоса қилсак, концентрланган таълимни амалга ошириш нима беради?

Биринчидан, таълимнинг бундай ташкил этилиши билан ўқувчилар томонидан ўрганилаётган материалнинг яхлит, тўлиқ блокларини идрок этиш, чуқур ва доимий ўзлаштириш таъминланади. Ўқувчиларни турли фаолиятга жалб қилишни таъминлайдиган таълимнинг ташкилий шакллари мажмуасини мақсадли ва тизимли қўллаш учун қулай шароитлар яратилади. Таълимни чинакам фарқлаш ва индивидуаллаштириш, унинг ҳаёт ва келажак касби билан боғланиши мумкин бўлади.

Иккинчидан, концентрланган таълимни ўрганиш мотивациясига таъсири фойдалидир: бир мавзунини ўрганишнинг кўп соатларида болаларнинг эътибори сўнмайди, аксинча, ўсади. Бунинг сабаби, одатий методика билан ушбу методика бир қатор дарсларда, мазмуни турлича, лекин шакл жиҳатдан ўхшашдир. Фаолиятнинг доминант мазмуни ўзгариб боради, бу эса мавзунини ўрганишга узок муддатли муносабатни шакллантиришни қийинлаштиради. Концентрацияланган машғулотлар билан кетма-кет машғулотлар ўтказилади, улар шакл жиҳатидан фарқ қилади, аммо доминант фаолият мазмунида барқарор бўлади.

Учинчидан, концентрланган таълим қулай психологик муҳитни яратишга ҳам ҳисса қўшади, бу жуда тушунарли, чунки таълим жараёнининг барча иштирокчилари бошиданок психологик жиҳатдан узок муддатли мулоқот ва ўзаро муносабатларга мослашган. Билимларни яхшироқ ўзлаштириш учун нафақат шарт-шароит яратилади, балки фаолиятни ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти, унинг ўзини ўзи баҳолаши шаклланади, ҳамкорлик ва ишбилармонлик алоқалари кўникмалари ривожланади.

Тўртинчидан, ўқитишнинг янги ташкил этилиши билан ўқитувчининг ўрганишдаги қийинчиликлар, зиддиятларнинг сабабларини ва ҳар бир ўқувчининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш учун кўпроқ имкониятлари мавжуд бўлади. Бу унга ўқитиш усулларига оқилона ва ўз вақтида тузатишлар киритиш, индивидуал ўқувчи ва жамоанинг ривожланишини лойиҳалаш имконини беради.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлар ва олиб борилаётган илмий изланишларимиз натижалари ўлароқ,



бугунги кунда барча эътибор таълим тизимини яхшилашга қаратилаётган бир вақтда мактаб қолаверса барча таълим тизимларида ушбу концентрланган таълим технологиясини амалга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

## REFERENCES

1. Muhayyo Artikova. Egitim, Arastirma ve Ekonominin Birlesimi: Profesyioneller icin Yeni Gereksinimler. Uluslararası turk dunyasi egitim bilimleri kongresi bildiri kitabi. 2021
2. Akramjon O'ktamjonovich Mirzayev, Odina Davronbek Qizi Pozilova. Matematika fanini o'qitish samaradorligini oshirishda timss xalqaro tadqiqotining o'rni. Scientific Progress. Volume 3 | Issue 4 | 2022. P 77.
3. Akramjon O'ktamjonovich Mirzayev. Mamlakatimiz ta'lim tizimida raqamlashtirish va raqamli dunyoda o'qitish va o'rganishning mavjud imkoniyatlari. Academic Research in Educational Sciences. VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021
4. Akramjon O'ktamjonovich Mirzayev. O'quvchilarning raqamli dunyoda o'rganish konsepsiyasi bo'yicha savodxonligini rivojlantirish. Scientific Progress. Volume 2. ISSUE 8 | 2021.
5. Akramjon O'ktamjonovich Mirzayev, Odina Davronbek Qizi Pozilova. Boshlang'ich sinf o'quvchilarning o'qish savodxonligini oshirishda pirls tadqiqotining ahamiyati. . Scientific Progress. Volume 3 . ISSUE 3 | 2022.ISSN:2181-1601. P.140
6. Akramjon O'Ktamjonovich Mirzayev, Ozodaxon Ikromali Qizi Toshtemirova. Boshlang'ich sinflarda eski va yangi darsliklarni qiyosiy tahlili. Scientific progress. Volume 3 | Issue 4 | 2022. P. 1053-1057.